*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч–адолатда

2020 йил
15 май,
жума
№ 14 (787)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар

*биздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда*

***"Бугун биз сизлар билан биргаликда янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз".***

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида шу фикрларни алоҳида таъкидлади. Бу давлатимиз раҳбарининг ҳар биримизга, бутун халқимизга қаратилган чақириғидир.***

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, 9 май куни мамлакатимизда кенг нишонланган Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги таассуротларига тўхталиш лозим. Чунки бу галги байрамнинг олдинги йиллардагидан фарқли ва ўзига хос бир қатор хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга.

Авваламбор, байрам тадбирлари биринчи маротаба Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган янги муаззам маскан — Ғалаба боғида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.**

Мамлакатимиз раҳбари бундан роппа-роса бир йил муқаддам Тошкент шаҳрида муҳташам Ғалаба боғини барпо этиш ташаббусини илгари сурганди. Қисқа муддатда 12 гектарлик улкан майдонда жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакрор мажмуани қуришдек эзгу ташаббус замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам. Бундай улуғвор мақсадни рўёбга чиқариш учун **Президентимиз Ғалаба боғининг ташаббускори, муаллифи ва бош бунёдкори бўлиб майдонга чикди.**

Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги тантаналари мисолида машъум уруш замонидан қанчалик узоқлашсак, унинг моҳиятини англаш жараёнлари шунчалик чуқурлашиб боришига амин бўлдик. **Янги Ўзбекистонда тарихий адолатни том маънода қарор топтиришда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жасорати ва матонати алоҳида эътирофга сазовор.**

Бинобарин, инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин — Иккинчи жаҳон уруши дунё тарихининг узвий қисми ҳисобланади. Шундай экан, тарихга айланган ўша кунларни унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистон давлати, ўзбек халқи фашизмга қарши курашган жасур фарзандларининг буюк қаҳрамонликларини ҳамиша ёдда сақлайди.

Байрам арафасида нафақат улуғвор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, балки Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш борасида ҳам муҳим натижалар қўлга киритилди. Президентимизнинг кўрсатмалари асосида бу борада катта илмий тадқиқотлар қилинди.

Илгари ёпиқ бўлган тарихий ҳужжатларгача батафсил ўрганиб чиқилди. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодларимиз ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Биргина мисол: **шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.**

Юртдошларимизнинг фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонати чуқур ўрганилди. Бинобарин, ўшанда юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қаҳрамонлик кўрсатганлар. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одам ҳаловатидан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикамиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қуроллояроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб турилган.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, ўша оловли йилларда минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. **Уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйидан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.**

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилди. Расмий маросимда онлайн тарзда иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар жам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклади. Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, ҳарбий округлардаги байрам иштирокчиларига намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан саломлашиб, ҳолаҳвол сўради. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Нуронийлар юртимизга тинчлик-осойишталик, элимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Шундай кезларда бутун дунё учун оғир келган 2020 йилда халқимиз ҳам фавқулодда оғир, ташвишли ва синовли кунлар гирдобида қолгани беихтиёр хаёлдан ўтаверади.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони том маънода тарихий ҳужжатдир. Чунки унда ҳуқуқшунослик касби, ҳуқуқшунос олимлар, юридик кадрлар тайёрлаш тизими, энг асосийси, юридик фан учун улкан ва истиқболли тараққиёт йўли белгилаб берилди.**

*Муносабат*

## Юридик фан ва таълим:

### улкан рағбат, янгича имкониятлар

Ушбу Фармон мамлакат миқёсида, барча вилоятлар кўламида, шунингдек, нафақат олий таълим муассасалари, балки юридик техникум ва юридик лицейларда ҳам юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳа ривожини кенгайтириш масалаларини ўз ичига қамраб олган.

Бу борадаги Президентимизнинг ташаббуслари энг илғор концептуал масалаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, натижада юридик соҳада илмий салоҳиятни янги босқичга юксалтиришга хизмат қилади. Шу маънода Фармон келгусида юридик соҳа ривожини тубдан такомиллаштиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосидир.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги қонун талабига кўра, мулкдор, ижарачи ва уларнинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар суд тартибида ҳал қилинади. Бундай низолар қаторига, хусусан, уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш билан боғлиқ масалалар киради.**

*Мезон*

## Уй-жой низолари қонун доирасида ҳал этилса...

*фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади*

Мазкур ишлар мураккаб тоифадаги ишлар туркумига кирмаса-да, фуқаролик судлари томонидан кўриладиган ишларнинг муайян қисмини ташкил қилади. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судлари томонидан 2019 йилда кўрилган 9 минг 766 та фуқаролик ишининг 361 таси шу тоифадаги ишларга мансуб бўлган.

Ушбу тоифадаги ишларни кўришда моддий ва процессуал қонун нормаларини тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис уларни судда кўриб чиқишнинг процессуал хусусиятлари қонунчиликда мустаҳкамланган. Бу борада Олий суд Пленумининг "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида халқимиз турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадларига қаратилган бир қатор масалалар муҳокама этилди. "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги қонун шулар жумласидандир.**

*Янги қонун моҳияти*

## Адолатнинг яна бир ифодаси

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадр-қиммати, шаъни ва эркинлиги борасида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Буни ҳар биримиз кўриб, керак бўлса, мана шу ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиси бўлиб келяпмиз.

Яна бир жиҳат, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида билдириб ўтган вазифаларнинг амалий натижалари бугун ҳаётимизда ҳақиқатга айланиб бормокда. Хусусан, биргина фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам катта қадам қўйилди.

Куни кеча Президентимиз томонидан "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги қонуннинг имзоланганини бу борадаги ишларнинг узвий давоми бўлди, десак, муболаға эмас.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелдаги "Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар ҳам мазкур қонунда ўз аксини топган.

Қайд этиш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши бугунги куннинг муҳим талабларидан бири эди. Энг аввало, қонун билан шу вақтгача амалда бўлган "прописка" сўзи чиқариб ташланди. Сабаби, "прописка" сўзи маънавий эскирган атама бўлиб, бугунги кунда барча давлатлар ушбу атамадан воз кечган.

Бундан ташқари "тўсқинлик қилувчи", "бир жойга боғланиш", "эркинликни чекловчи" каби тушунчаларни келтириб чиқараётган эди. Эндиликда "доимий прописка" деган сўзлар "яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш" сўзларига алмаштирилди.

Яна бир муҳим масала шуки, авваллари фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги бирон-бир яқин қариндошининг уйига доимий яшаш учун рўйхатга қўйилиши борасида турли тўсиқлар мавжуд эди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Талаб ва таклиф*

## Судларнинг чинакам мустақиллиги йўлидаги муҳим қадам

***Бу суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб ўрганиш амалиётини чеклаш, фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлиги қонунчиликда акс этиши билан боғлиқ.***

Бош қомусимизда эътироф этилганидек, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айнан шу масалага эътибор қаратар экан, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт, деб таъкидлаган эди. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкинлиги яна бир бор таъкидланди. Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозимлиги, энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлиги ҳақида ҳаққоний фикрлар билдирилди.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясини "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга доир Давлат дастурининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари" деб номланган 2-йўналиши 52-бандида судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш назарда тутилган.

Унда прокурор томонидан қонуний кучга кирган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ёки қарорлар бўйича ишларни иш юзасидан тарафлар мурожаати (прокурордан ташқари) бўлган ҳолдагина суддан ўрганиш учун олиш тартибини белгилаш назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

*15 май — Халқаро оила куни*

## Оила қадриятининг умри бардавом бўлмоғи шарт

**Ҳар қандай мамлакат ва давлатнинг энг катта бойлиги, куч-қудрати бу унинг бағрида яшаётган оилалар ва аҳолидир. Юрт тинчлиги оилалар тинчлигидан, эл-юрт фаровонлиги оилалар фаровонлигидан пайдо бўлади.**

(Давоми 4-бетда) ▶

*Хабар*

## Бизнинг маълумот

**2020 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 61 046 та (2019 йилнинг шу даврида 59 519 та) фуқаролик иши кўриб чиқилиб, шундан 44 474 та иш бўйича келтирилган даъво талаблари қаноатлантирилган, 7 031 та даъво асоссиз деб топилиб рад қилинган, 2 775 та иш тарафлар ярашганлиги, даъвогар даъвосидан воз кечганлиги ва бошқа қонунда кўрсатилган ҳолатларга кўра, иш юритишдан тугатилган.**

Шунингдек, судлар томонидан низосиз талаблар бўйича 19 211 та (2019 йилда 27 123) суд буйруқлари чиқарилган.

Вилоят судларининг апелляция инстанцияси томонидан 1 405 та, кассация инстанцияси томонидан 1 678 та фуқаролик ишлари кўрилиб, қонуний қарорлар қабул қилинган.

Хусусан, апелляция инстанцияси томонидан 215 та (2019 йилнинг шу даврида 246 та), кассация инстанцияси томонидан 256 та (2019 йилнинг шу даврида 378 та) жами ушбу инстанцияларда кўрилган ишларнинг 15 фоизи (жами чиқарилган ҳал қилув қарорларининг 0,9 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарорлар қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жорий йилнинг 1 январидан 1 майга қадар жами 4 688 та ариза ва шикоятлар ўрганиб чиқилиб, шундан 1 740 та мурожаат юзасидан ариза муаллифига тегишли тушунтириш берилди ва тааллуқлилиги бўйича юборилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Талаб ва таклиф*

# Судларнинг чинакам мустақиллиги йўлидаги муҳим қадам

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бунда прокурор ишни суддан ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасида иш қайси тарафнинг қандай важига баҳо бериш учун олинаётганлигини кўрсатган ва тарафнинг ёзма мурожаатини илова қилган ҳолда ишни суддан сўраб олиши мумкинлигига, бу қоидага риоя қилмаслик суд томонидан прокурорнинг ишни ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасини рад қилишга асос бўлиши белгиланиши лозим.

Бундан ташқари амалдаги Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларни юритиш тўғрисидаги кодекслардаги суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқишда фарқ мавжуд.

Суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан шикоят берилса, шикоятни ўрганиб чиқиш натижалари бўйича Олий суднинг судьяси ўз ажрими билан суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки шикоятни иш билан бирга кўриб чиқиш учун Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги қарорларидан бирини қабул қилади.

Прокурор томонидан суд қарорига нисбатан берилган протест киритилганда эса, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинмасдан протест иш билан бирга кўриб чиқиш учун тўғридан-тўғри Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатига ўтказилади.

Бу эса, қонунлардаги тарафларнинг тенглиги ва суд ишларини юритишдаги тортишув принципига мувофиқ келмайди.

Шу сабабли амалдаги қонунлардаги прокурорларнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқини тақдимнома киритиш, деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Чунки "протест" истилоҳи юридик луғатларда бирон нарсага қатъий норозиликни билдирувчи расмий эътироз, амрнома, хоҳишига зид нарсани билдириш, деб тушунилади ва қонун мазмуни бўйича кўриб чиқилиш шарт бўлган ҳужжат ҳисобланади.

"Тақдимнома" истилоҳи эса, бирон-бир маълумотни илтимоснома тарзидаги ифодалайдиган расмий ҳужжат бўлиб, қонунда қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қабул қилинадиган ҳужжатни ифодалайди.

Тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 34, 35-моддаларига тегишли ўзгартиш киритиб, унда прокурор ишни фақатгина моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаси бузилган ҳолатига баҳо бериш мақсадида суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун олиши мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд бўлмаганда, ишни текширган прокурор асосланти-рилган хулоса тузиб, хулоса тақдимнома келтириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилиши ҳамда бу ҳақда илтимосномасига кўра, иш ўрганиш учун олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилиши, иш эса, судга қайтарилиши кўрсатилиши лозим бўлади.

Шунингдек, суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақидаги фақат бир марта хулоса тузилиши, бу хулоса юзасидан норози тараф томонидан юқори турувчи прокурорга ёки суд қарорига нисбатан шикоят қилиниши мумкинлиги, ишни ўрганиш учун олишнинг рад этилиши устидан эса, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланиши лозим.

Бундай мазмундаги нормани процессуал кодексларга, жумладан, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларни юритиш тўғрисидаги кодексларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, амалдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 34 ва 35-моддаларини қуйидаги янги таҳрирда бериш таклиф қилинади:

**34-модда. Ишларни суддан чақириб олиш тартиби**

Прокурор фақат шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ёзма мурожаати асосида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ишни суддан ўрганиш учун олиши мумкин.

Бунда прокурор ишни суддан ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасида иш қайси тарафнинг қандай важига баҳо бериш учун олинаётганлигини кўрсатган ҳолда тарафнинг ёзма мурожаатини илова қилган ҳолда ишни суддан сўраб олиши мумкин. Бу қоидага риоя қилмаслик суд томонидан прокурорнинг ишни ўрганиш учун олиш тўғрисидаги илтимосномасини рад қилишга асос бўлади.

Бунда прокурор ишни фақатгина моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаси бузилган ҳолатига баҳо бериш мақсадида суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун олиши мумкин бўлади.

Суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор асосланти-рилган хулоса тузади, хулоса тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилади. Бу ҳақда илтимосномасига кўра, иш ўрганиш учун олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилади, иш эса, судга қайтарилади.

Суднинг қарорига тақдимнома киритиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақида фақат бир марта хулоса тузилади, бу хулоса юзасидан норози тараф томонидан юқори турувчи прокурорга ёки суд қарорига нисбатан шикоят қилиниши мумкин.

Ишни ўрганиш учун олишнинг рад этилиши устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қаорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга".

**35-модда. Суд қарорларига тақдимнома киритиш**

Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига тақдимнома киритишга ҳақли.

Тақдимнома киритиш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у тақдимнома киритиш тўғрисидаги таклиф билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади".

Зеро, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида таъкидланганларидек, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилаётган ўзгартишлар амалда ўз ифодасини топса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда тарафларнинг тенглиги ҳамда суднинг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ш. АБДУҚОДИРОВ,**
*юридик фанлари доктори, доцент*

# Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар

*биздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Зотан, бутун дунё халқлари бошига ёғилган коронавируздек кўринмас бало таъсиридан Ўзбекистон ҳам четда қолмади. Бугунги кунда инсоният дуч келган пандемия, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **"ўзининг кўлами ва миқёсига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башарият тақдири ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди".**

Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан бу борада шошилинч ва муҳим чора-тадбирлар кўрилди. Карантин тартиби жорий этилиб, фуқароларимиз саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хориждаги юртдошларимиз бирин-кетин Ватанга қайтарила бошланди. Коронавирус хасталигига чалинган ҳамда касалликда гумон қилинган фуқароларимизни даволаш, карантинда сақлащдек умумхалқ ҳаракати кенг қулоч ёйди.

Бу ҳақда сўз борганда, жорий йилнинг 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатимизда коронавирус билан боғлиқ вазият яхшиланиб, ижобий томонга ўзгариб бориши билан, ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш таъкидланганига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шу муносабат билан Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 8 майдаги йиғилиши баёнига мувофиқ, Республикада коронавирус инфекцияси тарқалиш ҳолатининг ҳудудлар кесимидаги таҳлили, касаллик аниқланган беморларнинг даволаниш, яъни соғайиш динамикаси ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, республика ҳудудлари жорий йилнинг 11 майидан эътиборан туман ва шаҳарлар даражасида тоифаларга ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатларнинг нуфузли ва халқаро миқёсда тан олинган шифокорлари, олимлари, экспертлари ва мутахассислари Ўзбекистонда коронавирусга қарши амалга оширилаётган тизимли ва комплекс чора-тадбирларни юксак баҳоламоқда.

**Ушбу чора-тадбирлар ўтган давр мобайнида Президентнинг 10 дан зиёд фармон ва қарорларида, Ўзбекистон халқига учта мурожаатида, шунингдек, пандемияга қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳамда тиббий ҳимоясини мустаҳкамлаш ва бошқа масалаларга бағишланган 20 дан ортиқ учрашув, видеоселектор йиғилишларида белгилаб берилди. Улар бўйича 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.**

Энг асосийси, ушбу чора-тадбирларнинг барчаси ушбу оғир ҳамда масъулиятли даврда ҳеч ким, ҳеч бир оила давлат ва жамиятнинг эътибори, ғамхўрлигидан четда қолмаслиги, оддий одамлар фаровонлиги таъминланиши керак, деган ғояга асосланади.

**Биринчидан,** бутун мамлакат бўйлаб қатъий карантин тизими жорий этилди. Қисқа муддат ичида Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунчиликдаги бу ўзгаришлар санитария қонунчилигини ёки эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, карантин ва одамлар учун хавфли бўлган бошқа инфекцияларнинг тарқалиши тўғрисида нотўғри маълумот тарқатишга қарши қаратилган.

**Иккинчидан,** коронавирусга қарши самарали курашиш учун республиканинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва карантин зоналари ташкил этилди.

**Учинчидан,** таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлаш учун барча ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўз фаолиятини масофадан туриб Интернет орқали амалга оширмоқда.

**Тўртинчидан,** аҳоли узлуксиз равишда озиқ-овқат, дори-дармон ва зарур тиббий буюмлар, бошқа ҳаётий зарур товарлар билан таъминланмоқда. Ногиронларга, кам таъминланган ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига бепул манзилли ёрдам кўрсатадиган тизим шакллантирилди. Шу билан бирга, ушбу жараёнда нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этмоқда.

**Бешинчидан,** иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун аниқ механизмлар (хусусан, Инқирозга қарши жамғарма) шакллантирилди. Тадбиркорларга банк кредитлари бўйича фоизларни "музлатиш" имконияти ва солиқ таътиллари берилди. Импорт қилинадиган товарларга солиқ ставкалари ва божхона тўловлари сезиларли даражада пасайтирилди.

Умуман олганда, халқаро тузилмалар раҳбарлари, хорижий экспертлар, мутахассислар Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканини таъкидламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши самарали курашиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаётини таъминлаш, инфекция тарқалишини назорат қилиш, энг муҳими, минглаб фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш, инқироздан кейинги тикланиш ва мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланишига ёрдам беради.

**Шубҳасиз, Ўзбекистон тажрибаси пандемияга қарши курашда муҳим аҳамият касб этиб, бошқа давлатлар учун ёрқин намуна вазифасини ўтайди.**

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши самарали курашишнинг сири нимада?

Фикримизча, бунинг замирида:

*биринчидан,* Президентимизнинг иқтисодиёт, бизнес, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ҳамда ҳаёт учун зарур бошқа муҳим соҳаларда ўз вақтида қабул қилган барча чора-тадбирлари;

*иккинчидан,* Ҳукуматнинг тезкор ва таъсирчан муносабати;

*учинчидан,* миллий ҳамжиҳатлигимиз, халқимизнинг аҳиллиги, покизакорлиги ва интизомпарварлиги мужассамдир.

Буни қарангки, ташвиш ҳам, қувонч ҳам қўша-қўша деганлари тўғри экан. Жорий йилнинг 27 апрелида юртимизга Туркманистон ҳудудидан кириб келган кучли шамол Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига жиддий талафот етказди. Шамол оқибатида, айниқса, Бухорода бир неча фуқаро жароҳатланди, бир киши ҳалок бўлди, кўплаб уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига зарар етди.

Президентимиз ўша куниёқ фожиа юз берган ҳудуддаги ҳолат билан яқиндан танишиб, зарур чора-тадбирлар кўриш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Табиий офатдан жабр кўрган фуқаролар билан юзма-юз кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб, одамларнинг руҳиятини кўтарди.

Шу йил 1 май куни эса Сирдарё вилоятида жойлашган "Сардоба" сув омборидан сув чиқиши натижасида Сардоба туманидаги қатор қишлоқлар сув тошқинида қолди. Президентимиз дарҳол фавқулодда вазият юз берган Сирдарё вилоятига етиб борди. Сув тошқини натижасида зарар кўрган маҳаллаларни кўздан кечирди, одамлар билан дилдан суҳбатлашди. Бир неча кун ўша ҳудудда қолиб, талафотларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Ана шу учта ҳодиса — коронавирус, кучли шамол ва сув тошқини барча юртдошларимизни жиддий ташвишга солди, албатта. Айни чоғда, ҳаммамиздан ҳам кўпроқ Президентимиз қайғурганини ҳам бор гап.

Пандемия, табиий офат ва фавқулодда ҳодисанинг салбий оқибатларини бартараф этишда давлатимиз раҳбари 34 миллион нуфуслик улуғ халқимиз ва бебаҳо Ватаннинг эртанги тақдири учун масъулликни чуқур ҳис этган ҳолда ёндашди. Таъбир жоиз бўлса, бу синовларни енгиб ўтишда бутун ақлу заковати, азму шижоати, имону иродаси, илму тафаккури, бор имкону салоҳиятини ишга солди.

Эл-юрт бошига синовли кунлар тушган дамларда давлатимиз раҳбари ёшу кекса — барчамизга жасорат, матонат ва фидойилик бобида ўрнак бўлди. Шу маънода, ҳар биримиз тинч ҳаётимизда дуч келаётган синовларни енгиб ўтишда ҳамиша сабрли ва чидамли, жасоратли ва матонатли, билимли ва савияли, ғурурли ва орномусли, ватанпарвар ва халқсевар бўлишимиз лозим.

Бу борада уруш даврида инсон зоти чидолмайдиган азоб-ҳуқубатлар, ғам-кулфатлар, чексиз йўқотишларга бардош берган ва қўли доим баланд келган аждодларимизнинг мустаҳкам иродаси бизларга — ибрат, пок руҳлари эса, мадад бўлсин. Зеро, **бугун янги Ўзбекистон бағрида Ғалаба боғи, "Матонат мадҳияси" ва "Мангу жасорат" монументлари, "Шон-шараф" музейи ва "Кўз ёши" мажмуаси каби муҳташам бунёдкорлик иншоотлари — жасорат ва матонат, адолат ва огоҳлик, меҳрибонлик ва садоқат тантанасининг муаззам тимсоллари қад ростлагани бежиз эмас.**

**Акмал САИДОВ,**
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

*Хабар*

# Бизнинг маълумот

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўрганилган шикоятларнинг 2 948 таси (ёки 62,9 фоизи) назорат тартибидаги шикоятларни ташкил этиб, шундан 725 таси (ёки 24,6 фоизи) фуқаролик иши билан ўрганиб чиқилган, қолган 2 223 та (ёки 75,4 фоизи) шикоят бўйича суд қарорлари қонуний деб топилган.

Фуқаролик иши билан ўрганиб чиқилган 725 та шикоятнинг 375 таси (ёки 51,7 фоизи) судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказилди, 345 таси (ёки 47,6 фоизи) бўйича эса, суд қарорлари қонуний деб топилганлиги боис рад қилинган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказилган ишларнинг 240 таси (ёки 33,1 фоизи) кўриб чиқилиб, шундан 179 таси (ёки 74,6 фоизи) бўйича якуний хулосага келиш ҳақида қарорлар қабул қилинди, қолган 135 та (ёки 18,6 фоизи) шикоят эса, фуқаролик иши билан судлов ҳайъатида кўриб чиқилмоқда.

Фуқаролик иши билан ўрганиб чиқилган 725 та шикоятнинг 240 таси (ёки 33,1 фоизи) судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, шундан 179 таси (ёки 74,6 фоизи) бўйича судлов ҳайъати томонидан якуний хулосага келиш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, бу давр мобайнида Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхонаси, pm.gov.uz сайти, Бош прокуратуранинг "Ишонч телефони", Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатини кўриб чиқиш қабулхонаси орқали келиб тушган жами 1 465 та мурожаат қонуний ўрганиб чиқилиши таъминланди.

Бундан ташқари Олий суд судьялари томонидан биринчи инстанцияда 11 та фуқаролик иши мазмунан кўриб тамомланди.

Ўтган давр мобайнида, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан "Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2019 йил давомида мулк ҳуқуқи билан боғлиқ (Фуқаролик кодексининг 187-моддаси) фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти", "2019 йил 25 ноябридан 2020 йил 27 апрелга қадар республика фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган қишлоқ хўжалик ер майдонлари қайтариш тўғрисидаги фуқаролик ишларининг кўрилиши юзасидан", "Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йил давомида назорат тартибида келиб тушган шикоятларни ўрганиш ва судлов ҳайъатига ўтказиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақида ажримлар чиқариш самарадорлигини умумлаштириш натижалари ҳақида"ги умумлаштиришлар ўтказилди.

Амалдаги Фуқаролик процессуал, Меҳнат ва Оила кодексларини такомиллаштириш юзасидан амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари тайёрланди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан низоларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида "Мерос масаласида 50 та саволга 50 та жавоб", "Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти" номли қўлланмалар тайёрланди.

***Олий суд матбуот хизмати***

*Мезон*

# Уй-жой низолари қонун

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энг аввало, судлар уй-жой билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда уларни хусусий ёки давлат уй-жой фондига тегишли эканлигини аниқлаши лозим. Чунки уй-жойнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштирмасдан туриб, ушбу тоифадаги ишлар бўйича моддий ҳуқуқ нормасини қўллаш мумкин эмас.

Хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан бошқа фуқароларни турар-жойга кўчириб киритишга, жисмоний ва юридик шахсларга белгиланган тартибда ижарага беришга ҳақлидирлар.

Мазкур тоифадаги ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигича ишга жалб қилинади. Шу сабабли, судлар низоли уйда яшовчи вояга етган шахсларнинг доирасини аниқлаши ва уларни судга жалб қилиш чорасини кўриши лозим.

Уйга яшаш учун киритиш ҳамда турар-жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни йўқотган деб топиш тўғрисидаги даъволарни ҳал этиш жараёни ниҳоятда масъулиятлидир.

Бунда суд турар-жойга даъво қилувчи шахс Уй-жой кодексининг 32-моддаси 2 ва 3-қисмларида қайд этилган шахслар сафига кириши ёки бошқа асос бўйича уйда яшашга бўлган ҳуқуқий ҳолатларини, қандай сабабларга кўра, яшамаётгани ва даъвони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши тақозо этилади.

Шунга кўра, судлар мулкдорнинг оила аъзоларига кимлар киришини аниқлаши муҳим аҳамиятга эга.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори 5-бандига кўра, мулкдорнинг оила аъзолари деб, у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади.

Эр-хотиннинг ота-онаси, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар-жойига рўйхатдан ўтган бўлса, мулкдорнинг оила аъзоси деб топилиши мумкин.

Шунингдек, мулкдорнинг хотини ёки эри, болалари, ота-онасидан бошқа шахсларни оила аъзоси деб топиш масаласини ҳал этишда суд уларнинг ижарачи ва унинг оила аъзолари билан муносабатларини, умумий хўжалик юритишгани, бир-бирига ёрдам кўрсатиб келишгани ва оилавий муносабатлари мавжудлигини гувоҳлантирувчи ҳолатларни аниқлаши зарур.

Бундан ташқари судлар уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъволарни кўришда даъвони қаноатлантиришга асос бўладиган махсус даъво муддати ўтган ё ўтмаганини аниқлаши шарт.

Чунки Уй-жой кодексининг 52-моддасига мувофиқ муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар-жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганларида турар жой олти ой муддат давомида унинг ҳисобида сақланади.

Вақтинча бўлмаганида фуқароларнинг турар жойи қуйидаги ҳолларда олти ойдан ортиқ муддатга сақланиб туради:

ҳарбий хизматга чақирилганда - чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирилганда — контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

иш шароитлари ва хусусияти бўйича чет элга хизмат сафарида бўлиши ёки таълим олиши муносабати билан талабалар, докторантлар ва бошқалар доимий яшаш жойидан вақтинча жўнаб кетганида — ушбу ишни бажариш, хизмат сафарида бўлиш ёки таълим олишнинг бутун даври мобайнида;

болалар тарбиялаш учун болалар муассасасига, қариндошларга ёки ҳомийларга, васийларга топширилганда — улар ушбу муассасада, қариндошлар ёки ҳомийлар, васийлар қарамоғида бўладиган бутун давр мобайнида. Бунда болалар чиқиб кетган турар жойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлиши тақозо этилади.

Агар болалар чиқиб кетган турар жойда уларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, ушбу хона болаларнинг муассасада бўлиши муддати тугагунча ёки қариндошлар ёхуд ҳомийлар, васийлар қарамоғидан қайтиб келган болалар вояга етгунча бериб турилиши мумкин.

Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ўқиш тугагунча ёхуд мамлакат Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат муддати тамом бўлгунча ушбу турар жой ижара шартномаси асосида бошқа фуқароларга қуйидаги ҳолларда бериб турилади:

ҳомий, васий вазифасини бажариш муносабати билан жўнаб кетганда — ушбу вазифаларни бажаришнинг бутун даври мобайнида;

даволаниш учун даволаш-профилактика муассасаларига жўнаб кетилганда — даволанишда бўлган бутун давр мобайнида;

*Муносабат*

# Юридик фан ва таълим: улкан рағбат, янгича имкониятлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур Фармонни қабул қилиш учун муайян ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий асослар туртки бўлган. Энг муҳими, шиддатли ислоҳотлар амалга оширилаётган, янги Ўзбекистонни барпо этиш учун тинмай изланишлар олиб борилаётган бир пайтда юридик соҳа ривожида ҳам бевосита янгилик ва ўзгаришлар қилиниши айнан зарурат эди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида таълим йўналишига алоҳида эътибор қаратилганини яхши биламиз. Хусусан, мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови 25 фоиздан 50-60 фоизга етказилиши; ўқишга киришнинг соддалаштирилиши; олий таълим ўқув жараёнида кредит-модул тизими жорий этилиши, 10 та олий таълим муассасасининг ўзини ўзи молиялаш тизимига ўтиши каби муҳим вазифалар ижроси масаласи ушбу Фармонда ҳам устуворлик касб этган.

Ушбу муҳим ҳужжатнинг "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилинган жорий йилда ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани бежиз эмас. Чунки бу йилги Давлат дастури билан Фармон бандлари кўп жиҳатдан ўзаро уйғунлик касб этади.

Янада аниқ қилиб айтганда, Президентимизнинг Фармони ушбу Давлат дастуридаги "Юридик фан ва таълимни такомиллаштириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш" бандининг реал ижросига қаратилган. У олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантиришнинг энг устувор ва мақсадли йўналишларини ўз ичига олгани айниқса, аҳамиятлидир.

Фармоннинг мазмуни билан боғлиқ айрим муҳим жиҳатларга тўхталадиган бўлсак, эндиликда юридик кадрлар тайёрлаш вазифаси фақат биргина Тошкент давлат юридик университетига эмас, балки Фармон ижроси доирасида очиладиган Самарқанд, Наманган, Термиз давлат университетларининг юридик факультетларига ҳам юклатилди. Бу омил, албатта, кенг қамровли юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида соғлом рақобатни кучайтиришга, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини янада оширишга, аҳолига кенг қулайликлар яратишга олиб келади.

Тошкент давлат юридик университети "юриспруденция" мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди. Бу бир томондан, ушбу муассаса учун яна катта бир эътироф бўлса, бошқа томондан, катта меҳнатни талаб этадиган мезон ҳамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этиш ҳақидаги таклифининг маъқулланиши юртимизда давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимот соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш йўлида қўйилган улкан қадамдир.

Чунки қачонлардир юриспруденция йўналишида катта тажрибага, юқори илмий салоҳиятга эга, чуқур мушоҳада ва кенг таҳлилни амалга оширишга, йирик тадқиқотлар олиб боришга, катта илмий мактаб яратишга қодир ҳуқуқшунос олимлар айнан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида фаолият олиб борган катта авлод вакиллари бўлганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Афсуски, ушбу муассаса кейинчалик тугатиб юборилган.

Давлатимиз раҳбари олдимизга замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш вазифасини қўйди. Фармонда аввалги йирик ҳуқуқий ҳужжатларда илгари сурилмаган яна бир талаб борки, бу ҳалол кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Ҳар бир юристда нафақат касбий, балки чин инсонийлик позициясини шакллантиришга доир бундай ёндашув ислоҳотларимизга янада ҳушёр ва тийрак кўз билан қарашга ундайди. Зеро, юриспруденцияда "ҳалоллик вакцинаси" муҳим ва умумътироф этилган шартлардан биридир.

Юридик кадрларни аниқ буюртма асосида, энг асосийси, мақсадли тайёрлаш зарур. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларида жорий ва истиқболдаги юридик кадрларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб, қабул жараёнлари ва ишга тақсимлаш вазифалари ҳал қилинади, ўз навбатида, бу рақобатбардош кадрлар тайёрлашга замин яратади.

Фуқароларни Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) магистратурасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали қабул қилиш, базавий олий юридик маълумотга эга шахслар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш дастурлари жорий этилиши жуда қувонарлидир. Нега деганда, бундай тартиб судларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритаётган, иш ва таълимни бирга олиб боришни хоҳлаган кўплаб ёшлар учун катта воқеа бўлди.

Бундан буён базавий олий юридик маълумотга ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви марказий органларида юридик йўналиш бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимлар магистратурага ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртқи ва кечки ўқитиш дастурлари бўйича ўқиш учун қабул қилинади. Ушбу қабул жараёнлари тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра, кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида ва қабул параметрларидан ташқари амалга оширилади.

Бундай янгича мезонлар, шубҳасиз, навқирон авлод вакилларида касб, иш ва таълимга рағбатни янада оширади. Ёш ходимларда ўзлари ишлаётган ташкилот маъмуриятига ва ўз касбига нисбатан ишончни янада кучайтиради.

Яна бир муҳим масала: юриспруденция йўналиши бўйича бакалавриатни имтиёзли тугатган битирувчилар ТДЮУ магистратурасига тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, ўқиш қийматининг 50 фоизини тўлаб, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг ТДЮУ, юридик факультетлар, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги лицейда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини юклаган ҳолда қабул қилинади.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши нафақат Тошкент давлат юридик университетида, балки барча юридик факультетлар, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги лицейда таълим сифатини оширишга, сифатли юридик кадрлар тайёрлашга, шу орқали илмий салоҳиятни кўтаришга олиб келади.

Эндиликда базавий олий юридик маълумотга эга, юридик техникумларда камида уч йил ишлаган педагог ва раҳбар ходимлар ТДЮУ магистратурасига кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг тақсимот бўйича адлия органлари ва муассасаларида, биринчи навбатда, юридик техникумларда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда, кириш ҳуқуқига эгадир.

Бу каби амалий чоралар, албатта, бевосита юридик техникумларда ишлаётган ходимлар ва раҳбар кадрлар меҳнатини янада рағбатлантиради. Қолаверса, иш унумдорлигини оширишга, ёшлар билан ишлаш тизимини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади. Янада муҳими, ТДЮУни битирган, аммо оиласи, касби нуқтаи назаридан бакалавр дипломи билан вилоятлардаги юридик техникумларда ишлаётган ёш ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурлари амалга оширилади. ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда қўшма факультетлар ташкил этилади.

Бу таълим масканларини тугатганидан сўнг ўқишни давом эттирган шахсларга берилган хорижий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура босқичлари бўйича белгиланган шаклдаги дипломлари мамлакатимизда қўшимча маъмурий тартиб-таомилларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.

Ушбу қоида, аввало, юридик таълимда биринчи марта хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ташкил этишни йўлга қўйишга қаратилган бўлса, шу билан бирга, ўқишни битирганларга катта имтиёз ва имкониятлар тақдим этади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари ТДЮУга кириш тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга.

Бу тартиб келгусида академик лицей обрўси ва нуфузини оширишга, у ерда ўқиш кафолатини мустаҳкамлашга, келгусида лицейга ҳужжат топширувчилар сони ошишига хизмат қилади. Энг асосийси, ёшларимиз қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шуки, унда нафақат юридик таълим, балки юридик фанни ривожлантириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди ва бу мазкур ҳужжатнинг номида ҳам ўз аксини топди. Юридик фанни ривожлантириш, хусусан:

тизимли ва йирик тадқиқотларни амалга ошириш орқали илмий салоҳиятни кучайтириш;

нуфузли ва юқори салоҳиятга эга олимлар сафини кенгайтириш;

миллий юридик олий таълим муассасасини халқаро рейтингдаги мавқеини кучайтириш;

ўтилаётган фанларнинг обрўси ва аҳамиятини ошириш;

олиб борилаётган тадқиқотларнинг самарадорлигини юксалтириш;

йирик илмий ишланмаларнинг тижоратлашувини йўлга қўйиш, унда муаллифнинг манфаатдорлигини кучайтириш;

халқаро профессор-ўқитувчиларнинг халқаро тан олинган рейтингли журналлардаги чиқишларини рағбатлантириш каби вазифаларни белгилаб беради.

Фармонда профессор-ўқитувчилар учун яна бир имконият кўзда тутилган. Яъни ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларнинг педагоглар таркиби томонидан адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан ҳамда асосий иш жойи сақланган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тартибини ўрнатиш бўйича таклифлар киритишга кўрсатма берилди.

Бу тартибнинг амалиётга жорий этилиши жуда муҳим. Чунки бунда:

**биринчидан,** юриспруденцияда махсус кафедралар ва махсус фанлар ривожи яққол кўзга ташланади;

**иккинчидан,** талабаларга дарс бераётган ўқитувчиларнинг назарий ва амалий иш тажрибаси узвийлиги таъминланади;

**учинчидан,** профессор-ўқитувчиларнинг фанлар бўйича "модул папкалари", "казус ва кейслар яратиш" борасидаги маҳорат ва кўникмалари янада ошади;

**тўртинчидан,** шу кунгача амалда ўқитувчилик ва адвокатлик касбини бирга олиб бораётганларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади;

**бешинчидан,** адвокатлик лицензияси бўлиб, айни кунларда ишлаш шароити бўлмаётган кўплаб ўқитувчиларга яхши имконият яратилади;

**олтинчидан,** тайёрланаётган бир қатор ўқув ва илмий адабиётлар амалиёт материаллари билан бойитилади;

**еттинчидан,** профессор-ўқитувчилар томонидан ўтилаётган маъруза ва семинарлар каби амалий машғулотларда янги амалиёт материаллари ва статистик маълумотлар шарҳи берилишига ва уларни талабалар билан таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Президентимизнинг **"Биз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли буюк халқмиз"** деган сўзлари юртимиз ҳуқуқшунос олимлари фаолиятининг асосий шиорига айланган. Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилар жамоаси Фармоннинг ҳар бир бандида кўрсатилган вазифалар ижросини тўла таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқда.

Зеро, барча соҳадаги миллий ислоҳотларимиз мазмунида ҳуқуқий асослар мустаҳкамлиги ётади. Ҳуқуқий асослар мустаҳкамлигини таъминлаш эса, юриспруденциянинг бош мақсади саналади.

**Замира ЭСОНОВА,**
*Тошкент давлат юридик университети профессори*

*Янги қонун моҳияти*

# Адолатнинг яна бир ифодаси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонун билан фуқароларга янада қўшимча қулайликлар яратилди. Жумладан, қариндошлар — ўзларининг шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уй-жой майдонига ёки хусусий мулки бўлган бошқа уй-жой майдонига ҳам доимий яшаш учун рўйхатга олиниши мумкин бўлди. Яъни фуқаролар биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларини нафақат ўзи яшаб турган, балки эгалигида бўлган бошқа уй-жой майдонига доимий рўйхатга қўйиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Инсон бор экан, ҳаёт давом этади, жамиятнинг муҳим бўлаги бўлган оилалар кўпайиб бораверади. Шундай экан, тақдир тақозоси билан кимдир Тошкент шаҳрига, яна кимдир Тошкент вилоятига келин бўлиб тушади. Табиийки, у шу хонадоннинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Лекин сир эмаски, бу борада яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйишда жуда катта тўсиқ бор эди. Яъни аввалги қонунда эр (хотин) — хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти, камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса, Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинганидан сўнг бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда, эр (хотин) Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида олинган доимий пропискани йўқотади, деб белгиланган эди. Мана шунинг ўзи ҳам оилалар мустаҳкамлигига ёки шу аҳволга тушган оиланинг давлатга бўлган ишончининг пасайишига олиб келарди. Мазкур янги қонун билан бу норма бекор қилиниб, ўзгартирилди.

Эндиликда эса, қонун билан яшаш бўйича рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилиб, ортиқча тўсиқлар олиб ташланди. Яъни эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда, прописканй йўқотиш бўйича қоида олиб ташланди. Натижада эр-хотинга никоҳдан ўтган куннинг ўзида яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқини яратди. Бу — муқаддас оила қўрғоннинг мустаҳкамланишига яна бир ҳуқуқий асосдир.

Бундан ташқари илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар — доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганда тўсиқларсиз қайта доимий рўйхатга олиниши имкони берилди.

Энг аввало, бу аввалги ҳолатда катта илмий тажрибага эга бўлган тор доирадаги мутахассисларнинг вилоятларга бориб ишлашига пропискадан қайта ўтолмаслик, яъни керакли мутахассисларнинг керак жойда эмас, балки Тошкент шаҳрида кўплаб тўпланиб қолишига сабаб бўлган бўлса, эндиликда қайта мурожаат этган тақдирда, масалан, лавозим бўйича республиканинг бошқа ҳудудларига ишлаш учун доимий рўйхатдан чиқиб кетганларга қайтадан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига қайта доимий рўйхатга олиш имконияти берилди. Бу эса, ўз навбатида, барча ҳудудларнинг бирдек ривожланишига яхши самара беради.

Шунингдек, давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали ҳамда тор ихтисосликдаги мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари белгиланган тартибда доимий прописка қилинганидан сўнг улар бошқа ишга ўтиши ёки лавозимидан озод этилиши яшаш жойи бўйича доимий рўйхатдан чиқарилишига олиб келишига оид қоида чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, мазкур қонунга янги банд ҳам киритилди. Унга кўра, давлат ҳокимияти органларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳамда бошқа давлат ташкилотларида узлуксиз беш йил ва ундан ортиқ бўлган давр мобайнида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимлар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари) тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг маълумотномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига доимий рўйхатга туриш имкони берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қабул қилинган янги қонун йиллар давомида қийналиб келаётган кўплаб юртдошларимизнинг оилаларига хурсандчилик олиб кириш билан бир қаторда, уларнинг эркин кўчиб юриш соҳасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлайди.

**Фарҳод БОҚИЕВ,**
*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси*

# доирасида ҳал этилса...

## *фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади*

қамалганда ёки ушбу турар жойда яшаш имкониятини истисно этувчи озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа жазо чорасига маҳкум этилганда — қамокда бўлишнинг ёки жазони ўташнинг бутун даври мобайнида. Бунинг учун турар жойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлиши керак.

Агар кўрсатилган фуқаролар чиқиб кетган турар жойда уларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, бундай фуқаролар қамоқдан озод бўлгунча ёки жазони ўтаб келгунча бўлган муддатга ушбу хонани ижара шартномаси асосида бошқа шахсларга бериб турилишига йўл қўйилади.

Шахс белгиланган муддатдан ортиқ давр мобайнида уйда бўлмаслиги оқибатида турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб деб топилиши мумкин. Бу манфаатдор шахснинг даъвоси бўйича суд йўли билан амалга оширилади.

Агар суд шахснинг белгиланган муддатдан ортиқ даврда яшамаслигини узрли сабаблар оқибатида юзага келган деб ҳисобласа, даъвони рад этади.

Бироқ амалиётда баъзан судлар томонидан жавобгарнинг низоли уй-жойда нима сабабдан яшамасдан келганлиги аниқлаштирилмасдан тегишли ҳал қилув қарорлари чиқарилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳам учрайди.

Масалан, суд ўзининг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимлигининг жавобгар К.Федоровга (исм-шарифлар ўзгартирилган) нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантирган. Даъвони қаноатлантиришга жавобгарнинг низоли уй-жойда яшамаётганлигига 1 йил бўлганлиги асос қилиб олинган.

Бироқ биринчи инстанция суди фуқаро ҳарбий хизматга чақирилганда — чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида вақтинча бўлмаганда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолишини эътиборга олмаган.

К.Федоровнинг келтирган шикоятига асосан апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилган.

Шунинг учун судлар уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда Уй-жой кодексининг 2-моддаси 2-қисмида баён этилган ҳолатларга эътибор қаратиши лозим.

Бундан ташқари мулкдорга нисбатан уй-жойда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмайди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб ҳисобланади.

Бу борадаги низоли вазиятлар уй-жойдан чиқариш ҳақидаги ишларда кўпроқ кўзга ташланади. Мазкур тоифадаги ишларни кўриш жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, Уй-жой кодексининг 80-моддаси талабига мувофиқ, хизмат турар-жойларида истиқомат қилувчи айрим тоифадаги фуқаролар бошқа турар-жой ажратилмасдан кўчирилиши мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб, суд бундай фуқаролар ушбу моддада кўрсатилган имтиёзга эга эканлигини аниқлаши лозим.

Бундай имтиёзга эга бўлган фуқаролар хизмат турар-жойларидан фақат санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлган бошқа турар-жой берилиши ҳисобигагина кўчирилиши мумкин.

Суд ётоқхоналардан кўчириш тўғрисидаги низоларни ҳал этишда жавобгар эгаллаб турган хона ётоқхона мақомига эга эканлигини текшириши зарур.

Хизмат лавозими билан боғлиқ равишда берилган ётоқхонадан чиқаришда даъвогар ва жавобгар ўртасида қандай меҳнат шартномаси тузилганлиги ва у қандай асосларга кўра бекор қилинганлигини аниқлаш лозим бўлади. Бунда судлар Уй-жой кодексининг 85-моддаси талабларини назарда тутишлари даркор.

Яъни ишни тугатган мавсумий-вақтинчалик ишчилар, муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишловчилар, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра, ўз ихтиёри билан ёки ме4нат интизомини бузганлиги сабабли ёки жиноят содир этганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор бўлиб ишдан бўшаганлар ҳамда ўқув юртларида ўқишни тугатганлар, ўқув юрти талабаси сафидан чиқарилганлар бошқа турар-жой берилмасдан кўчирилади.

Бошқа асослар бўйича меҳнат муносабатларини тугатган шахслар, шунингдек, Уй-жой кодексининг 80-моддасида қайд этилган шахслар, фақат ушбу кодекснинг 9-моддаси талабларига жавоб берадиган бошқа уй ажратилган ҳолда ётоқхоналардан кўчирилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, уй-жой низолари билан боғлиқ ишларнинг моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя қилган ҳолда кўрилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Отабек МАТКАРИМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси*

*Жиноят ва жазо*

# Саёқ юрган – таёқ ейди

## *ёки ахлоқ доирасидан четга чиққанлар қисмати*

**Яқинда Урганч шаҳрида рўй берган жиноий қилмишнинг ғалати якуни шу бўлдики, унга бош қўшганларнинг бари бир пайтнинг ўзида ҳам жабрланувчи, ҳам айбдор қиёфасида намоён бўлишди.**

Аслида аянчли воқеа урганчлик Бекпўлат Саидовнинг катта кўчада Дилбар Матёқубовага берган танбеҳидан бошланди. Бекпўлат ўшанда уни аёл боши билан ичкиликка берилганликда айблади. Аммо Дилбар буни ҳазм этолмади. Оғаларча танбеҳни ўзига нисбатан ҳақорат ўрнида қабул қилди. Не ажабки, буниси ҳали ҳолва экан, орадан кўп ўтмай таъна-дашном нарёкда турсин, ҳақиқий зўравонликка дуч келди. Бекпўлат уни бу гал ҳам ичкиликбозликда айблаб, аёл шаънига доғ туширмаслик мақсадида инсофга чақирди. Бироқ заифанинг "ким бўлибсанки, менга ақл ўргатасан" деган заҳархандасига чидай олмай юзига шапалоқ тортиб юборди.

Шундан сўнг аёлнинг "жини" жунбушга келди. Ўзини ҳўрлангандек ҳис этди. Шу боис қасд олиш учун пайт пойлади. Тағин денг, якка ўзимас, танишлари: Сарварбек Рўзимов, Руслан Хўжаев билан биргаликда. Мана, ниҳоят, қасд олиш фурсати ҳам келди. Ҳамтовоқлар олдинига ботирлик учун ичишди, анча-мунча эмас, тўйгунича ичишди. Сўнг Бекпўлатнинг уйи томон йўл олишди. Бу ерда уни ҳимоя қилиб, фалокатдан асраб қолувчи ҳеч ким йўқ эди. У уйида якка-ёлғиз яшарди. Шу боис якка ўзи уч кишига қаршилик кўрсатолмади. Учовлоннинг эса, йўриғи бўлак: Бекпўлатга ўхшаганларнинг ҳушини бир пасдаёқ жойига қайтариш улар учун чўт эмас. Шишадаги "жин"нинг "ҳиммати" боис "кучга тўлган" учовлон "ботир" орадан бир неча дақиқа ўтмаёқ Бекпўлатнинг уйига бостириб боришди.

(Давоми 4-бетда) ▶

*15 май — Халқаро оила куни*

# Оила қадриятининг умри бардавом бўлмоғи шарт

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда бугунги кунда 34 миллиондан зиёд аҳоли бўлса — уларнинг 98 фоизи оилаларда истиқомат қилади. Ҳозирда республикамизда 8 миллион 200 минг оила бор. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармони, қарори ва фармойишлари, ҳукуматнинг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Ўнлаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, минглаб соҳа мутахассисларининг меҳнати ҳам айнан оилалар маънавий соғлом, иқтисодий бақувват бўлишини таъминлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман — оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса — ватан тинч бўлади, " деган эзгу сўзлари ҳам оила қадриятининг нечоғлик устувор эканини англатади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жамият ва оилаларда соғлом, барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни, тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аслида оила қадриятини асраш, оила институтини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ҳамма даврларда ҳам долзарбдир. Бироқ бугунги глобаллашув шароитида оила ва оилавий тарбия масаласи янада долзарблик касб этмоқда.

Инсоният бугунга келиб табиий йўқотишлар қаторида маънавий таназзулларни, хусусан, оила, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, қўшничилик, дўстлик каби инсоний қадриятларга таҳдидларни бошидан кечирмоқда. Бу даврда ҳар қандай соҳанинг ёндашувлари, иш услублари янгиланмоққа муҳтожлик сезади. Бугун Ўзбекистон мана шундай янгиланиш, ислоҳ қилиш, дунёга оригинал нуқтаи назар билан қараш йўлидан бормоқда.

Бугуннинг олимлари яхши биладиларки, ҳар қандай янгилик ҳам аслида эскиликнинг сайқалланган бир намунасидир ва ҳеч бир янгилик ўз ўзагидан ўсиб чиқмайди, балки унинг эски бир нусхаси, илдизи асрларнинг қаърида яшаётган бўлади.

Оилавий низоларни ҳал этишнинг усули ҳам аслида жуда қадимий бўлган эски воситадир, иш услубидир. Масалан, азалдан ва бундан 20 йиллар олдин ҳам бир оилада ўзаро низо юзага келса, уришган эру хотин иккита қайвони ва обрўли одамнинг насиҳати билан яраштириб кетиши мумкин эди. Маҳаллаларимизда "Яраштириш комиссия"лари узоқ йиллар жамоатчилик асосида шу йўсинда ишлаб келмоқда ҳам.

Аммо эндиликда яраштириш амалиётидаги баъзи ёндашувларимиз етарлича натижа бермаяпти. Бугуннинг одамларига, фуқароларимизга бошқача таъсир чораларини кўриш зарур бўлмоқда. Қолаверса, оилавий ажримлар, нотинч оилалар, ўзаро келишмовчиликлар каби кўрсаткичларимиз энг авж даражаларда юқориласа юқориладики, пасаймаяпти ва бу ҳолатлар барчамизни хавотирга солмоқда.

Ҳаётий мисол тарзида ўтган йилларда бир маҳалладаги битта кўчадан 27 нафар қиз турмушга чиққан бўлса, шу қизларнинг 70 фоизида ажрим ҳолати кузатилганини келтириб ўтиш жоиз. Пойтахтимизда қурилган янги ҳар 10 оиладан 4 таси ажралиб кетаётгани ҳам бор гап.

Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам, оила деб аталмиш муқаддас қадрият дунёнинг безаги ва одамзотга ҳаётнинг асл маъносини эслатиб турадиган омил эканини, уни асраш, уруш ва жанжаллардан ҳоли сақлаш лозимлигини халқимизга уқтириш, таъкидлаш, тарғиб этишдан тўхтамаслигимиз даркор.

Биз бу борада янгиликларни қўллашимиз учун ўз қадриятларимиз ва услубларимиздан воз кечишимиз шарт эмас, балки урф-одат ва қадриятларимизни замонга мослаштирмоғимиз лозим бўлади.

Шу маънода бугун тилимизга тобора ўрнашиб бораётган инновацион, креатив деган сўзлар воситасида ишлаш руҳини янгиламоғимиз зарур. Чунки замон ва унинг одамлари биздан шуни талаб этмоқда. Биласизки, тиббиётда одам жисмини ўрганиш учун ҳам алоҳида ёндашувлар бор. Худди шундай инсон руҳияти, психологияси билан боғлиқ масалаларда бизга илм ёрдамга келади.

Шу боис Президентимиз ҳар бир муаммони, масалани ҳал этишда билдирган фикрлари биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда "Медиация тўғрисида"ги қонун низоли оилалардаги муҳитни мўътадиллаштириш, соғломлаштириш мақсадида миллий мезонлар замонавий ёндашувлар билан уйғунлаштириб ишлаб чиқилганини эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, медиация бўйича интернет орқали кўпгина хорижий тажрибаларни ҳам кузата туриб, қайси ирқ, миллат ва динга мансублигидан қатъи назар, инсониятнинг уйғун, муштарак ва мужассам қоидалари мавжудлигидан ҳайратландим.

Муқаддас динимизда, илоҳий кучга эга китобларимиз, ҳадисларимизда медиациянинг асоси бўлмиш — инсонни қадрлашни, унинг ҳуқуқини таъминлашни шарқона дипломатия қоидалари, яъни муросаю мадора, яхшилик ва савоб йўлида воситачилик услубини қўллаш орқали ҳал этиш аллақачонлар белгилаб қўйилганига гувоҳ бўлдим.

Эътироф этиш жоизки, инсоният бошидан коронавирус пандемияси оқибатида синовли кунлар кечаётган бир даврда Ўзбекистон оилаларидаги тарихий ва маънавий қадриятлар, ўзаро ҳамжиҳатлик, қўни-қўшничилик, меҳр-оқибат, хайр-саховат ва шукроналик каби фазилатлар яққолроқ намоён бўлмоқда.

Пандемиядан кейинги ҳаёт аввалгидек бўлмаслигини тушуниб етдик. Энди соғлом турмуш тарзи, қўлни ювиш, гигиеник қоидаларга амал қилиш, жисмоний фаоллик ва маданият, тўғри овқатланиш каби сўзлар шунчаки ҳавойи, расмий ҳисоботлар учун эмаслигини англаб етдик. Чунки коронавирусдек вазиятларни мураккаблаштирган вирус хавфини оддий гигиеник қоидаларга амал қилиш билан енгиш мумкинлигини кўрдик.

Бу йил 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан ўтказиладиган онлайн тадбирлар моҳиятида ҳам шу ғоя мужассам этилган. Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари ҳудудларда ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этишга катта урғу беради.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Оила муқаддас", "Бизнинг аҳил оила" каби мавзуларда онлайн танловлар ўтказиш, #oilamfaxri, #oilamuqaddas хэштеги остида флэшмоблар ташкил этиш режалаштирилган.

Бу каби эзгу ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимиз оилаларининг мустаҳкам бўлишига ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Элмира БОСИТХОНОВА,**
*Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари.*
**ЎзА**

---

**Мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жанжал-тўполон кўтаришга ўрганган Орифжон 2019 йил 29 ноябрь куни ҳам кундалик одатини канда қилмади. Ўша куни у эрталаб турмуш ўртоғи Сабоҳатхон Бердиева қўшни Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманига — қариндошиникига тўйга кетгач, яна ичишни бошлади.**

*Қилмиш-қидирмиш*

# Ичкилик касофати

## *айбдорга қимматга тушди*

Сўнг маст ҳолда иккиуч соат ағанаб ётди. Шунда унинг сархуш ақлига "антиқа" бир фикр келди ва дарҳол уни қўллашга киришди. Яъни соат 12:30 ларда ўзи яшаётган маҳаллага хизмат кўрсатувчи 81-қишлоқ оилавий поликлиникаси тез тиббий ёрдам бўлимига қўнғироқ қилди.

— Хотиним касал бўлиб қолди, тез етиб келинглар, — деб ёлғон хабар берди.

Тез орада ҳайдовчи Элёржон Мусаев бошқарувидаги "Дамас" русумли хизмат автомашинасида навбатчи шифокор Гулнора Жўрақулова етиб келди. Аммо бу пайтда хонадон дарвозаси берк эди.

Шифокор бундан ҳайрон бўлиб, дарвозани тақиллатди. Шунда ичкаридан О.Эргашев чайқалганча чиқиб келди. Бироқ на салом, на алик бор. Шу алфозда у уйга фақат Г.Жўрақуловнинг ўзи киришини талаб қилди.

Ҳайдовчи Э.Мусаев аҳволни кўриб, шифокор аёлни ёлғизлатмаслик кераклигини тушунди. У билан бирга киришини билдирди.

— Йўқ, сен кирмайсан, — деди хонадон соҳиби аввалига Элёржонни сўкиб, ҳақоратлаб.

Бундай қўпол муносабат ва ғайриоддий талаб ҳар қандай кишини шубҳалантириши табиий. Бинобарин, зийрак ҳайдовчи хонадон соҳибининг жирканч мақсадини сезгандек гапида туриб олди. Гулнора Жўрақулова ҳам чақирув ёлғон эканлигини тушуниб, жамоадошини қўллаб-қувватлади.

Дарҳақиқат, Орифжон ичкарига фақат шифокор аёлни киритиб, ўзининг ғаразли мақсадини амалга оширишни, аниқроғи Г.Жўрақуловага тегажоғлик қилишни кўзлаганди. Аммо тиббиётчилардан бундай қаршиликни кутмовди.

Шунинг учун жаҳли чиқиб, бирдан тутақиб кетди. Оқибатда "Дамас" автомашинаси ва ҳайдовчига қарата тош отишга тушди. Бундай қилмиш оқибатида автомашинанинг олд, ён ва орқа ойналари чилпарчин бўлди.

Ҳатто муштдек бир тош юзига тегиб, Э.Мусаев ҳушини йўқотди. Буни кўриб, Г.Жўрақуловнинг юраги ёрилаёзди. Шунга қарамай, у ҳайдовчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман тез тиббий ёрдам бўлимига қўнғироқ қилди.

Шу тариқа О.Эргашевга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "в"-банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Буни қарангки, тергов жараёнида айбдор Орифжон ҳайдовчи ва "Дамас" автомашинасига етказилган зарарни тўлиқ қоплади. Жиноят ишлари бўйича Қува туман суди "қаҳрамон"имизга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Шу билан бирга, О.Эргашевга туман ИИБнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва туман ҳудудидан четга чиқмаслик, энг эътиборлиси, алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик тарзидаги қўшимча тақиқлар юкланди.

Албатта, мазкур жиноят иши тафсилотларидан воқиф бўлган ҳар қандай кишида бир талай ибратли фикр-мулоҳазалар туғилади. Айтайлик, муқаддас манбаларда спиртли ичимликлар аксарият жиноятларнинг, гуноҳи кабираларнинг сабабчиси сифатида қайд этилганини эсга оламиз.

Шуни таассуф билан қайд этиш лозимки, Орифжон жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплагани, тергов ва суд жараёнида Г.Жўрақуловадан кечирим сўраганига қарамай, гулдек оиласидан жудо бўлди. Яъни шу бадномликдан сўнг хотини С.Бердиева бошқа фуқарога турмушга чиқиб кетди.

Энди бир нафар фарзандининг ўгай ота қўлида кўнгли ўксик ҳолда улғайишини тасаввур қилармикан?

Фикримизча, Орифжон учун энг оғир жазо шу бўлса керак. Бу ёғига хатосини теран англаб етган бўлса, бас.

**Зафаржон ОМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қува тумани судининг раиси;*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

---

◀ (Бошланиши 3-бетда)

... Дилбар бу гал рақиби олдида мум тишламади. Аксинча, дадил-дадил гапирди. Бир неча кун муқаддам юзига тортилган тарсаки зарбидан тиши тўкилганини айтиб, хун тўлашини — синиқ тишини бутлаб беришни талаб қилди. Бекпўлат эса, талабни қатъиян рад этди. Бемаҳал келган "меҳмонлар"дан уйини бўшатиб қўйишни сўради. Афсуски, улар дарҳол ортга қайтиш ниятида келишмаганди. Шу боис, бетакаллуф "меҳмон"лар уй эгасининг талабини бир пулга ҳам олишмади.

Афсуски, соат 23-30 ларда Бекпўлат Саидовнинг хонадони тўс-тўполонга дўнди. Жаҳлдор мезбон-у бетакаллуф "меҳмон"лар ўртасидаги олишув авжига минди. Уйга бостириб кирганлар Бекпўлатнинг эсини жойига келтириб қўйиш учун мушт ва тепкини, хонадон соҳиби эса, ҳимояланиш учун қўли ва оёғи билан бирга ошхона пичоғини ишга солди. Жанжални "меҳмон"лар бошлашди. Р.Хўжаев даставвал Бекпўлатнинг юзига мушт туширди. Сўнг яна бир "меҳмон" — С.Рўзимовнинг тепкиси ҳам ишга тушди. У хонадон соҳибининг елкасига бор кучи билан зарба берди. Бекпўлат эса, бир амаллаб, стол устидаги ошхона пичоғини қўлига олди. Ташаббус мезбон тарафига ўтди. Пичоқнинг дамига даставвал Р.Хўжаев рўпара келди. У қорин қисмидан жароҳат олди. Шундан сўнг кескир тиғ С.Рўзимовнинг елка қисмига санчилди. Буни кўрган Дилбарнинг эси оғаёзди. Лекин шу ондаёқ ўзини қўлга олди. Ёнгинасида ошхона қозони турганини пайқагани ҳамон уни қўлига даст кўтарди-да, Бекпўлатнинг бошига зарба билан урди. Бекпўлат ҳушини йўқотиб, ерга қулади. Энди унинг қўлидаги бояги пичоқ қарши тарафнинг қуролига айланди. Уни қўлига олган Руслан телбаларча ҳаракат қилди: тиғни ерда ҳушсиз ётган Бекпўлатнинг кўкрагига санчди. Бетакаллуф "меҳмон"лар ғараз ниятига етишди. Бунинг устига "ўлжа"ни ҳам қўлга киритишди. Дилбар рақибининг уйини тарк этар экан, кўзи дераза олдидаги қўл телефони ускунасига тушди ва Русланнинг кўрсатмасига асосан уни шу ондаёқ эгаллаб олди.

Аммо Русланнинг — қорин, Сарварбекнинг елка қисмига санчилган пичоқ зарби кучини кўрсатди. Икковлон шерик "Шошилинч ёрдам"га мурожаат қилишдан бўлак илож топа олишмади. Касалхонада даволаниш Б.Саидовнинг пешонасига ҳам ёзилган экан. Ярим тунда уни ҳам шифохонага олиб кетишди. Безорилар анча муддат: суд-тергов ҳужжатлари ибораси билан айтганда, 6 кундан кўп, 21 кундан кам бўлган вақт мобайнида касалхонада даволандилар. Хайрият, баринг жони омон қолди. Суд-тиббий экспертиза муассасаси жанжал пайтида Р.Хўжаевга — ҳаёти учун хавфли даражада оғир, С.Рўзимов ва Б.Саидовларга эса, енгил тан жароҳати етганлигини аниқлади. Қайд этилган машъум қилмиш эса, Жиноят кодексининг баданга қасддан оғир шикаст етказишга доир 104-, енгил шикаст етказишга оид 109- ва ўғирликка дахлдор 169-моддаларида ифодасини топган ашаддий қонунбузарлик ҳолатлари рўй берганини кўрсатди. Айни пайтда "жабрланувчи" зўравонларнинг шахсига ҳам аниқлик киритилди.

*Жиноят ва жазо*

*ёки ахлоқ доирасидан четга чиққанлар қисмати*

Аён бўлишича, ўзга аёлни ғайриқонуний тарзда куч ишлатиш йўли билан тартибга чақиришга жазм этган Б.Саидов — ишсиз. Шаҳарнинг Ўзбекистон кўчасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшайди. 1967 йил Урганч шаҳрида туғилган бу шахс айни фойдали меҳнат билан шуғулланадиган ёшда бўлса-да, ҳалол ишга нисбатан рағбат сезмайди, куни бекорчилик билан ўтади. Умрини кўча-кўйда маст-аласт ҳолда ўтказаётган Д.Матёқубова ҳам — урганчлик: Наврўз шаҳарчасида истиқомат қилади. Ҳозирда кўча бандасига айланган бу аёл оила аталмиш мўътабар даргоҳдан мутлақо узоқда. Унинг тотини то ҳануз идрок этолмайди. Боиси, икки нафар фарзанди билан бу муқаддас масканни аллақачон тарк этиб кетган. Аёл боши билан ичкиликка берилгани эса, дард устига чипқон ва бу нозик хилқатга мансуб опа-сингилларимиз учун исноддан бўлак ҳеч нарса эмас, албатта. С.Рўзимовга келсак, ҳали қирққа ҳам қалқигани йўқ: 1983 йил Урганч шаҳрида туғилган. У ҳозирга қадар 4 маротаба судланган. Охирги марта 2014 йил талончилик қилмиши устида қўлга тушиб, 4 йилга қамалган. Судланганлик ҳолати тугалланмаган. Р.Хўжаевнинг қилмиши эса, бундан-да оғир. Аниқроғи, у бунгача ҳам 2 марта суд жавобгарлигига тортилган. Юқорида исм-шарифлари зикр этилган ҳамтовоқлари билан бирга жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди томонидан 2019 йилнинг январ ойида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш бўйича тайинланган жазо чораси орадан 4 ой ўтиб, ахлоқ тузатиш ишларига айлантирилганидан сўнг яна жиноий қилмишга қўл урди. Шу пайтгача ўталмаган 2 йилу 2 ярим ойлик жазо муддати гардонида қолди. Ҳали ўттиз ёшни ҳам қораламаган бу йигитнинг аянчли қисмати, унинг ўзига-ку, сабоқ бўлолмагани аниқ. Аммо у ўсиб-улғайган хонадондагилар-чи? "Биз кимни камолга етказдик, ўзи?" — деган ўй-андиша, наҳотки, ҳеч кимни, жумладан, шаҳарнинг у истиқомат қилган Паҳлавон Маҳмуд кўчаси маҳалла жамоатчилиги қалбини жунбушга солмаган бўлса?!

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди ушбу жиноят ишини синчиклаб ўрганди. Унинг якунида ўзга шахсни ғайриқонуний усулда "суд" қилиб, пировардида машъум жиноий қилмишга йўл очган Б.Саидов Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми, 109-моддаси 2-қисми, аёл боши билан жирканч иллатларга муккасидан кетган Д.Матёқубова кодекснинг 109- ва 169-моддалари 2-қисми бўйича 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинди. Айбланувчи С.Рўзимов ва Р.Хўжаевлар эса, суд залидан қамоққа олинди. С.Рўзимов Жиноят кодексининг 109- ва 169-моддалари 2-қисмига биноан, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлса, Р.Хўжаевнинг зиммасига муқаддам ўталмай қолган 2 йилу 2 ярим ойлик жазо ҳам қўшилди. Суд уни ҳам Жиноят кодексининг юқорида баён қилинган модда ва қисмлари асосида жавобгарликка тортди. Жазоларни қисман қўшиш йўли билан жами 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этди.

**Шухрат РАЗЗОҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди раиси,*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
Козимджан КАМИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Олим ҲАЙИТОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Светлана АРТИКОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир:** Сардор ҲАМРОЕВ
**Саҳифаловчи:** Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-523. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 10508
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.